• *МУСТАҚИЛЛИК ВА МИЛЛИЙ МАФКУРА*



# ВАТАН ТУЙҒУСИ

***Дунёда шундай бир бебаҳо бойлик борки, бутун олам дуру жавоҳирлари жам этилса ҳам қадр-қимматда унга асло тенглаша олмайди. Бу муқаддас, тенгсиз бойлик -- Ватандир.***

Инсон учун дунёда Ватандан азиз ва мўътабар, Ватандан муқаддас, Ватандан қутлуғ нарса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ватан ягонадир. Ватаннинг катта-кичиги ҳам, бой-камбағали ҳам бўлмайди. Ватан танланмайди. Ватан сотилмайди ва сотиб ҳам олинмайди. Инъом ҳам этилмайди, қарзга ҳам берилмайди.

Бугун биз ушбу сўзларни фахр ва ғурур ила баралла айтаяпмиз. Бор-йўғи олти йил аввал шундай дея олармидик. Асло. Кўп йиллик қўрқув, ҳадик қон-қонимизга сингиб кетганди. Ватан туйғуси ҳақида гапирмоқчи бўлсак, сўзни Москвадан, Кремлдан бошлашга мажбур эдик.

Ҳозирги авлод бу гапларнинг мағзини осонгина чақа олади. Чунки у кеча ва бугунни яхши фарқлайди. Вақти келиб, бу гаплар одамларга ғалати туюлиши мумкин. Наҳотки шундай бўлган бўлса, деб ҳайрон бўлишлари аниқ. Мустамлака нима эканлиги, киндик қони тўкилган тупроқни баралла Ватан, дея олиш мушкулоти ҳеч қачон фарзандларимиз бошига тушмасин. Биз каби ўз она-юртини, Ватанини қайта кашф этиб юрмасинлар.

Мустақиллик халқимизнинг улкан ютуғи бўлди. У шаҳдам қадамлар билан илгарилаб бораётир. Унинг асослари ва омилларини мустаҳкамлаш жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ижтимоий ва шахсий бурчи, масъулиятидир. Ҳозирги истиқлол даврида жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳалол ва бунёдкорлик меҳнати билан халқ тақдирини, юрти, қолаверса оиласи тақдирини кўзлаб фаолият кўрсатмоғи зарур.

Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» номли асарида шундай сатрларни битган: **«Бугун Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этаяпти ва бундан фахрланаяпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло янглишмаган бўламиз.**

**Ватан, ватандошлик туйғуси эски мафкуравий қобиқлардан халос бўлиб, ўзининг асл қиёфасини топди».**

Сирасини айтганда, биз ўз насл-насабимиз илдизи унча-бунча китоб саҳифаларига сиғмаса-да, ўзимизнинг уруғ-аймоғимиз, келиб чиқишимиз ҳақида ғурурланса арзигулик маълумотларга эга эмасдик.

Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, профессор Ҳайдар Пўлатов матбуотда қуйидаги фикрларни баён этганида қанчалар ҳайратга тушганимиз кечагидай ёдимизда: **«Тарихий ёдгорликлардан бири -- Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асарида баён қилинишича, инсоният тарихи оламнинг барпо этилиши ва Одам Атонинг яратилишидан бошланади. Асарда зикр этилишича, Нуҳ пайғамбар Одам Атонинг ўнинчи бўғини бўлиб, унинг 4 ўғли ва бир қизи бўлган экан. Ўғилларининг биринчиси Сим, иккинчиси Хом, учинчиси Ёфас, тўртинчиси Канъон бўлган. Кейинчалик Сомни Ҳиндистонга ҳукмрон бўлгани учун Абул Ҳинд, Хомни Эрон ва Бобилни бошқаргани учун Абул Форс номи билан атаганлар. Хулқу одоб бобида ота меҳрини уйғотган Ёфасга эса ҳокимлик қилиш учун Туркистон берилган. «Ул йўлдан турклар азиз ва мукаррам бўлдилар»**, дейилади асарда («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1993 йил, 11 июнь).

Ўз насл-насаби ҳақида чуқур билим ва кенг маълумотга эга бўлган Амир Темур Кўрагоний «Зафар йўли» китобида **«Бизнинг аждодимиз Абул Турк Ёфаснинг ўғли, Нуҳнинг набираси ва туркларнинг буюк хонни эрди»**, деб ёзади.

Бошқа бир ўринда эса бу фикрга янги мазмун бериб:

***«Биз ким -- мулки Турон,***
***Амири Туркистон биз,***
***Биз ким -- миллатларнинг***
***энг қадими ва улуғи***
***Туркнинг бош бўғини биз»,***

дейди.

Ана шундай буюк тарихий ҳақиқатга эга бўлган халқни, Ватанни севмай бўладими?!

Эндиликда ўзининг Президенти, миллий байроғи, мадҳияси, Конституциясига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш ҳаммамиз учун чексиз фахрдир. Биз учун бундан катта бойлик, бундан буюк неъматнинг ўзи йўқ.

Тарих ўзбек халқининг ҳозирги авлоди зиммасига ғоят буюк, муқаддас вазифани юклади. Бу Ватанни севмоқ, унинг довруғини олам узра ёймоқ, кучига куч, шуҳратига шуҳрат қўшмоқдир. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, унинг иқтисодиётини, куч-қудратини юксалтириш, ютуқларидан фахрланиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Миллатнинг етуклиги, шахснинг маънавий камолоти ҳам юртига бўлган муҳаббати билан белгиланади. Бундай меҳр-муҳаббат одам қонига она сути билан киради. Бу муқаддас туйғуни она алласи парвариш қилади, ота тарбияси ва намунаси улғайтиради.

Ватанга садоқатнинг шаклланиши ва ривожланишида адолат, тенглик, эркинлик, диёнат, аҳиллик, инсонпарварлик, садоқат каби фазилатларни ўзида жо қила олган миллий ва умуминсоний қадриятлар катта ўрин тутади. Бу хислатларнинг барчаси умумлашма ҳолатда -- иймондир. Иймонлилик, ватанпарварлик -- ёлғиз ўз Ватанига меҳр қўйишдангина иборат эмас, балки жаҳон маданиятидан, бошқа халқларнинг моддий ва маънавий бойликлари, илм-фани, техникаси, бой тарихий тажрибаларидан, иқтисодий имкониятларидан ижодий асосда фойдаланиш ҳам демакдир.

Ватанга муҳаббатни одамлар тантанавор хитоблар ва умумий гаплар, шовқин-суронлар билан эмас, кундалик меҳнат, амалий фаолият билан исбот этадилар. Ҳақиқий ватанпарвар она юртини шунчаки севибгина қолмайди, унинг равнақи, обрўси ва келажаги учун бутун имкониятини ишга солади. Меҳнат билан, амалий ишлар билан боғланмаган ватанпарварлик -- сохта ватанпарварликдир.

Ўзларини «ватанпарвар»сановчи баъзи нобакорлар чет эллардан туриб бугунги улкан ютуқларимиз, истиқлол берган шарофат туфайли жаҳонга юз тутаётганимизни ўзларича талқин этиб, ватанфурушлик қилаётганликлари ҳеч кимга сир эмас. Ундайларга энди она-Ватан сира қучоқ очмайди. Аслида бундайларда азалдан Ватан меҳри йироқ бўлган. Мамлакатимизни, халқимизни буюк ишларга чорлаш ўрнига, уларни бир-биридан ажратишга уринаётган бундай кимсалар мустақил юртимиз дадил одимлаб бораётган улкан тарихий йўлнинг бир чеккасида, чанг орасида қолиб кетаверадилар. Ҳақиқий ватанпарварлар эса ана шу улуғ йўлнинг бошида бориш билан бирга халқини, айниқса, ёшларни буюк келажак сари чин юракдан даъват этишмоқда.

Биз чиндан ҳам буюк Ватанимиз билан фахрлансак арзийди. Бунинг негизида инсонпарвалик, фаровонлик ва оиланинг бахт-саодати, халқпарварлик, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат каби умумбашарий тушунчалар ётади.

Таваллуд топган ерга эътиқод қўймоқ бизларга ота мерос фазилат. Зеро, улуғ аждодларимиз ўз исмларини туғилиб ўсган жой номига боғлаб айтганлари бежиз эмас. Хоразмий, Бухорий, Термизий, Фарғоний, Марғилоний, Форобий, Яссавий, Кошғарий, Югнакий, Берунийлар киндик қон тўкилган ерга -- она-Ватанга бўлган амалий садоқатлари туфайли ҳам исмларига юртлари номини фахр-ифтихор билан боғлаганлар.

**М. АБДУЛЛАЕВ,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор.**

**С. БОЙМАТОВ,**
**фалсафа фанлари номзоди, доцент.**

• *ПАХТАЧИЛИК: САРАТОН КУН САНАЙДИ*

**Жорий йилда мамлакатимиз пахтакорлари 1,5 миллион гектар ерга чигит қадаган эдилар. Шундан 191,9 минг гектари янгича усулда, яъни плёнка остига экилган. Айни пайтда далаларда ғўзалар қийғос гуллади. Андижончасига ўстирилаётган майдонларда эса уч-тўрттадан кўсак санаш мумкин.**



*Хуш кайфият, беғубор кулги инсонга маънавий мадад беради, унинг руҳини кўтаради. Таниқли сўз устаси, «Қизиқчи-90» кўрик-танлови ғолиби Абдураҳмон Сиддиқовнинг асл фарғонача ичакузар ҳангомалари кўпчиликка манзур ва маълум. Абдураҳмон қизиқ ижодий изланишдан сира толмайди, доимо оддий кишилар даврасида бўлишга интилади. Айни кунларда уни тез-тез пахтакорлар ҳузурида учратасиз.*

**СУРАТДА:** *Абдураҳмон қизиқ Сиддиқов Боғдод туманидаги Эркинжон Усмонхўжаев номли жамоа хўжалиги 1-бригадаси аъзолари даврасида.*
Ҳ. ТОҲИРЖОНОВ олган сурат.

# ЭКИШНИНГ УЧ УСУЛИ: ҚАЙСИСИ АФЗАЛ?

***Қорақалпоғистонда экин майдонини «отиз», дейишади. Манғит йўлидан бориб, Амударё туманидаги Йўлдош Ўрозбоев номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси марказига яқинлашсангиз, ёнма-ён жойлашган уч ғўза отизига кўзингиз тушади. Ер, сув, иқлими, тупроқ таркиби, экин тури ва ҳоказо шароитлари бир хил бўлган мазкур отизларда экиш усули бир-биридан фарқ қилади. Нима учун? Мисолларга мурожаат қилайлик.***

**ЯККАТОЛ ОТИЗИ.** 15 гектар. Чигит 15 аперель куни плёнка остига экилган. Бунгача ҳар гектар ерга 200 килограмм аммиак селитраси, 100 килограмм аммофос, 50 килограмм калий селитраси берилган. Икки ой мобайнида гектар ҳисобига ўртача 200 меҳнат куни сарфланган. Ғўза 56 кунда гуллаган. Айни пайтда ниҳолнинг бўйи 40-45 сантиметр атрофида бўлиб, 12-13 та ҳосил шохига, шунча миқдордаги шоналарга эга. Ҳар гектарида 170 мингтагача кўчат бор.

**ТОЗАНИНГ ОТИЗИ.** 4 гектарлик. 15 апрелда плёнка тагига уруғ қадалган. Экиш олдидан худди Яккатол отизидагидек, ер озиқлантирилган. Қаттиқ ёмғирдан сўнг, май ойининг 8-куни чигит қайтадан қўшқатор усулида экилган. Шу кунгача гектар ҳисобига 45-50 меҳнат куни сарфланган. Ғўзанинг бўйи -- 30 сантиметр, 2-3 та ҳосил шохига эга. Бир гектарда 160-165 мингтадан кўчат бор.

**ДАН (Давлат автомобиль назорати) ОЛДИ ОТИЗИ.** 6,5 гектар. Май ойининг 8-куни чигит оддий усулда (қатор ораси 60 сантиметр) экилган. Уруғ униб чиққанидан сўнг, йиллик меъёрнинг 60 фоизи миқдорида ўғитланган. Меҳнат куни сарфи Тозанинг отизидагидек. Ғўзанинг ўртача бўйи 22-25 сантиметр атрофида. Ҳар гектарда ўртача 60 минг туп ғўза мавжуд.

Уюшма мутахассислари Яккатол отизининг ҳар гектаридан 42, Тозанинг отизидан 35, ДАН олди отизидан эса 20 центнердан сал ошириб ҳосил олишни мўлжаллашмоқда.

Энди плёнка остига ва оддий услубда экилган ғўзаларнинг қўшқаторлаб экилганига нисбатан афзалликлари ва камчиликларини баҳоли қудрат таҳлил қилиб кўрайлик.

Плёнка остига экилган ғўзанинг ривожи яхши, туп сони кўп. Шу боис режадагидан 7 центнер юқори ҳосил олиш мўлжалланмоқда.

Оддий усулда экилган майдонларда чигит сарфи оз. Аммо ғўзанинг ривожи кеч, туп сони кам. Ҳосил ҳам шунга яраша.

Плёнка усулидан 23 кун кейин қўшқаторлаб экилган ғўзанинг ривожи эса нари борса 10-12 кун кеч, лекин у билан бир кунда оддий усулда қадалган ниҳолга нисбатан анча олдинда. Бунинг боиси нимада? Мутахассисларнинг фикрича, бу чигитни қайта экиш билан боғлиқ. Чунки Тозанинг отизи аввал плёнка остига чигит экишга ҳозирланган. Яъни қатъий белгиланган технология бўйича ер ўғитланган. Демак, ҳар қандай усулда ҳам ерга ўғитнинг маълум миқдори экишдан олдин берилиши самаралидир. Афсуски, деҳқонларимиз бу тавсияга ҳар доим ҳам амал қилишмайди.

-- Андижонча услуб бизга маъқул тушди, -- дейди уюшма раиси Мадраҳим Шомуротов. --Негаки, унинг афзалликлари яққол кўриниб турибди. Бу йил янги усулда 150 гектар ерга чигит экканмиз. Келгуси йилда унинг майдонини янада кенгайтирамиз.

**Ҳ. АБДУСОДИҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БУНИ СОВҒА ДЕСА БЎЛАДИ

***«Бухорооқова» шаҳар корхонасида Санович коллекторининг фойдаланишга топширилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Ўзиям тантана қилса арзийдиган воқеа бўлди бу. Негаки, коллектор бир неча ўн йиллар мобайнида энди тўлиқ қайта таъмирланди. Зах сув тажовузида қолган шаҳар аҳли енгил нафас олиб, бетакрор меъморий обидаларимиз шўр таъсиридан қутилди.

Шуниси диққатга сазоворки, таъмирлаш жуда қисқа фурсат -- уч ойда амалга оширилди. 250 та қазиш ва ортиш техникаси, 200 та автомашина кечаю кундуз тиним билмади. Натижада 144,6 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Бу Бухоронинг 2500 йиллигига муносиб совғадир.

Тантанали маросимда вилоят ҳокими С. Ҳусенов иштирок этиб, қурувчи-механизаторларни меҳнат зафари билан муборакбод этди.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ**
**«ЎЗТАДБИРКОРБАНК»**
**АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА**

«Ўзтадбиркорбанк» бошқаруви илгари чиқарилган, номинал қиймати 100 минг ва 10 минг сўм купон (деноминация қийматида 100 ва 10 сўм) бўлган 2-чи эмиссия акцияларининг номинал қиймати 100 сўм бўлган 3-чи эмиссия акцияларига алмаштирув якунланганлигини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат давомида Тошкент шаҳри, С. Азимов кўчаси, 52-уйда жойлашган «Ўзтадбиркорбанк»да ҳамда банкнинг барча шаҳар ва туманларда жойлашган бўлимларида қабул қилинади.

**«ЎЗТАДБИРКОРБАНК» БОШҚАРУВИ.**


# «ЛОМАНН ТИРЦУХТ» ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

***Самарқанд туманидаги Оҳалик паррандачилик фабрикаси ва Германиянинг «Ломанн Тирцухт» фирмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартнома имзоланди.***

Ушбу фирма «Ломанн» зотли товуқлар ўстиришга ихтисослашган бўлиб, дунёнинг етмиш мамлакатидаги турдош корхоналар билан ҳамкорлик қилади. Шартнома имзолангунга қадар махсус самолётда Голландиядан ўттиз етти минг бош жўжа олиб келинган эди. Ушбу паррандадан маҳаллий «олатовуқ» зотига нисбатан бир йилда етмишта кўп, яъни икки юз тўқсонта парҳез тухум олиш мумкин.

**М. МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲОФИЗ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Хоразмда атоқли ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг 80 йиллик хотирасига бағишлаб ўтказилган биринчи республика қўшиқ кўрик-танлови якунланди. Танловда мамлакатимиз вилоятлари ва қўшни давлатлардан келган ёш санъаткорлар ўз маҳоратини намойиш этди. Самарқандлик хонанда З. Азизов биринчи ўринни эгаллади.

**(ЎзА).**


**ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК-ГУМАНИТАР АКАДЕМИЯ**

**Қуйидаги йўналишлар бўйича вакант вазифалар учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

| | |
|---|---|
| — ЭКОЛОГИЯ: | фан доктори — (1 та), фан номзоди — (1 та). |
| — ПЕДАГОГИКА: | фан доктори — (1 та), фан номзоди — (1 та). |
| — ИҚТИСОДИЁТ: | фан доктори — (1 та), фан номзоди — (1 та). |
| — ЖУРНАЛИСТИКА: | фан доктори — (1 та), фан номзоди — (1 та). |
| — ТАРЖИМА ИШИ: | фан доктори — (1 та), фан номзоди — (1 та). |
| — ҲУҚУҚШУНОСЛИК: | фан доктори — (1 та), фан номзоди — (1 та). |

**ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК-ГУМАНИТАР АКАДЕМИЯ**

**Қуйидаги йўналишлар бўйича АСПИРАНТУРАга ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

| | |
|---|---|
| — ЭКОЛОГИЯ: | — 2 нафар |
| — ПЕДАГОГИКА: | — 2 нафар |
| — ИҚТИСОДИЁТ: | — 2 нафар |
| — ЖУРНАЛИСТИКА: | — 2 нафар |
| — ТАРЖИМА ИШИ: | — 2 нафар |
| — ҲУҚУҚШУНОСЛИК: | — 2 нафар |



**Манзил:**
**Қозоғистон Респ.,**
**Сарыағаш ш.,**
**Айтеке-бий кўчаси, 1.**
**Тел.: (8-32537) 2-11-35.**


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Шуҳрат Шукуровга отаси

**Зокиржон ШУКУРОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мазкур қўмита раиси ўринбосари Диловар Қобуловага отаси

**Насим НОРОВнинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси экспериментал ва клиник медицина илмий-текшириш институтининг директори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси

**Чаржау АБДИРОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзматбаатаъминот» республика корхонаси жамоаси бош директор муовини Зокиржон Ҳошимовга волидаи муҳтарамаси

**ЖАМИЛАБИБИнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти жамоаси бош муҳаррир Илҳом Зойировга волидаи муҳтарамаси

**Ҳадича ЗОЙИРОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



# ГУЗАР ҚАД РОСТЛАМОҚДА

*Маҳалла гузарлари нафақат кишиларнинг дам олиш маскани, балки маданий тадбирлар ўтказиладиган, маърифат тарқатадиган жой ҳамдир. Фарғона ёғ-мой ишлаб чиқариш хиссадорлик жамияти ишчилари ҳамда «Оқ олтин» кўчаси аҳли учун барпо этилаётган маҳалла гузари ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирча бу ерда аҳоли учун энг зарур бўлган чойхона ва новвойхона ишлаб турибди. Юртимиз мустақиллигининг 6 йиллиги нишонланадиган кунгача эса гузарда миллий услубда қурилган қатор иморатлар фойдаланишга топширилади.*

СУРАТЛАРДА: *новвой Адҳамжон Сойипов; маҳалла гузарининг кўриниши.*

**Ўз мухбиримиз олган суратлар.**






*Дўстлар дийдори...*
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ *сурат-лавҳаси* .

• *СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?*

***Бозори кўп юртнинг ризқи улуғ бўлар экан. Худога минг шукрлар бўлсинким, юртимиз тинч, бозорларимиз тўкин-сочин. Тўғри, бозордан хунобингиз ҳам ошиб чиқиши мумкин. Нарх-наволар асабингизга тегиши эҳтимолдан холи эмас. Баъзан харид қилган нарсангиздан кўнглингиз тўлиб, тезроқ уйингиздагиларга хурсандчилик улашгингиз келади. Ҳа, бозор шундай жой. Унга чўнтагингиз қаппайган ҳолда кириб, бир сўмсиз чиқишингиз, аксинча, бир сўм билан кириб, бир чўнтак пулга эга бўлишингиз мумкин. Лекин бугунги мавзуимиз бу ҳақда эмас. Мени бозор шовқин-суронлари ичида алоҳида ажралиб турадиган баъзи товушлар безовта қилади. Бу товушлар қанчалик бошқаларга ўхшашга интилмасин, ундан боланикнинг жозибадор оҳанги келиб туради.***

# ЭРТА УЛҒАЙГАН БОЛАЛАР

Болалик! Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? Ахир, сенинг жойинг мактаб партасида, ўқувчилар саройида, оромгоҳларда, турли синов майдонларида эмасми? Ахир, сен эртанги куннинг эгасисан-ку! Нега қўлларинг бунчалик пулни маҳкам қисмаса? Пулдан ҳам муҳимроқ нарсалар борлигини унутиб қўйдингми? Болалик сукут сақлаб ерга қарайди. Мен уни яна йўқотиб қўяман...

Ишдан қайтарканман, рўзғор ташвишлари мени Фарғона шаҳар марказида жойлашган деҳқон бозорига етаклайди.

-- Кеп қолинг, иссиқ нон, опа, нечта берай? Иккитасини ўрнига битта ейсиз.

-- Опа, манави нонга қаранг, сизга қараб «кулиб» турибди.

Эшикдан кираверишда катта-кичик аравачаларга саватларини қўйиб олган бир нечта ўсмирларга кўзим тушади. Ичкарига қараб юрарканман, карам, картошка сотиб ўтирган турли ёшдаги эркагу аёлларни кўраман. Улар ичида кир дўпписида елпиниб ўтирган, эгнидаги кўйлаги жиққа терга ботган 12-14 ёшлардаги болалар тез кўзга ташланади. Энди гуруч, ёғ, ун каби маҳсулотлар билан савдо қилувчи расталарга ўтаман. У ерда ҳам бўйи пештахтага етар-етмас болалар бемалол савдо қилиб ўтирганини кўриб, кўнглим ғашланади. Бу ҳам етмаганидай, шундоққина йўл четида турли хил шоколад, печенье, ичимлик концентратлари, маккажўхори қаламчалари, болалар кийимларидан тортиб катталар кўйлакларигача ёйиб савдо-сотиқ қилаётган мактаб ёшидаги болаларни кўриб, диққатим ошиб кетади. Дарвоқе, уларнинг кўпчилиги аллақачон мактаб билан «хайр-маъзур» қилишган. Узоқдан миршаб формаси кўринди, дегунча лаш-лушларини йиғиб ташқарига қочишади. Яна беш дақиқадан сўнг савдо аввалгидай давом этаверади. Бозорда айланиб юрсангиз, ёнингизга исириқ тутатган болалар келиб, сиздан пул сўрашади.

Наҳотки, боланикнинг умри шунчалик қисқа бўлса? Ҳали балоғат ёшига етмай туриб, эрта улғайган бу болалар эртага оилали бўлгач, ўз фарзандларини қандай руҳда тарбиялашаркин? Куш уясида кўрганини қилади, дея яна тарих ортига қайтиб болалик йўқликлар қаърига ғарқ бўлиб кетмасмикан? Бугунги турмуш қийинчилиги аста-секин ўтиб ҳам кетар, лекин болалик шодлиги ортга қайтиши қийин. Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, азизлар!

Мен яқинда бозордаги болалар тақдири билан яқиндан танишиш мақсадида Фарғона шаҳар ички ишлар бўлими вояга етмаганлар назорати бўйича бўлинма бошлиғи Бахтиёр Бўрибековга мурожаат қилдим. Баъзи болалар бир эмас, икки, учинчи маротаба милиция ходимлари томонидан рўйхатга олинган. Бу жиноят яна такрорланаяпти, болалар керакли хулосани чиқармаяптилар, деган маънони англатади-ку! Демак, ёлғиз милицияга ҳамма ишни ташлаб қўймай, маҳалла қўмиталари, ота-оналар, мактаб ўқитувчилари биргаликда болани тўғри йўлга солишлари керак. Афсуски, кўпчилик болаларни ўз ҳолига ташлаб қўйишган. Баъзи ота-оналар эса болаларини ўқишни ташлашга мажбур қилиб, ўзлари билан бозорга олиб чиқишмоқда. Деҳқончилик қилиб маҳсулот сотишса майли-я, афсуски, бир бозордан арзон нархда олиб, иккинчисида қиммат нархда сотиш билан шуғулланишмоқда. Демак, боланинг онги заҳарланмоқда. Тадбиркорлик билан олибсотарликни фарқига бормаётган, дунёқараши тор, билими саёз бу боладан эртага қандай одам етишиб чиқиши мумкин?

Ички ишлар бўлими томонидан берилган маълумотлар кўнглимга ёруғлик олиб келмади. Мен боланикнинг нурафшон бир йўлдан кетишини истардим, лекин...

Яқинда Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Тўхтасин Мамиталиев билан суҳбатлашиб қолдим. У киши ҳам болалар тарбияси ҳақида жон куйдириб гапириб, қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб берди:

-- Хизмат юзасидан йўловчи автобусда Фарғона аэропорти томон борардим. Бекатда 2-3 та шахсий автобуслар йўловчи кутиб туришарди. Катта автобусга чиқиб ўтирдим. Бир зумда автобус йўловчилар билан тўлди. Шунда 14-15 ёшли кир футболка, йиртиқ шим кийган, ялангоёқ, сочлари тартибсиз бола автобусга чиқиб, йўлкира йиғиштира бошлади. У на салом беришни, на катталарни ҳурмат қилишни биларди. Болани кўриб, «Бунинг ўзи ким? Ота-онаси бормикан, мактабда ўқирмикан, ё..?» деган хаёлга бордим.

-- Амаки, йўлкирани чўзинг, -- боланинг товуши хаёлимни бир жойга келтирди. Боланинг қўлидан маҳкам ушладим.

-- Исминг нима?

-- Илҳом.

-- Фамилиянг-чи?

-- ...

-- Қаерликсан?

-- Чимёнликман, -- деди у қўлимдан чиқиб кетишга ҳаракат қилиб.

Шу пайт боланинг майкаси ичидан битта юз сўмлик ва бир нечта уч сўмликлар ерга тушиб кетди. Пулини териб олсин, деб қўлини қўйиб юбордим. Илҳом менга яқин келмай пулларни олди-да, қўлидаги бир даста пулга қўшиб кейинги автобусга чиқиб кетди...

Домланинг ташвишланганича бор. Боланинг ёлланма меҳнатига озгина ҳақ бериб ишлатаётган, ҳайдовчилик касби орқасидан кун кечираётган кап-катта одам бир инсон умрини маъносиз қилиб қўяётганлигини наҳотки сезмаса? Ахир, бола ҳунарли бўлиш ўрнига осон пул топишга ружу қўювчи текинхўрга айланиб қолади-ку! Биз фарзандларимизни маънавий мажруҳ қилиб қўймаяпмизмикан? Эҳтимол, бозордами, автобусдами, барибир меҳнат қилиб пул топаяпти-ку, дея эътироз ҳам билдирарсиз? Лекин ўз қобилиятини ишга солиб ҳунармандчилик орқасидан топилган пул қаерда-ю, содда қилиб айтганда, «бели оғримай» топилган маблағ қаерда? Бундай йўл билан ҳаёт кечиришга ўрганиб қолган бола эртага бировнинг чўнтагига кўз олайтирмаслигига ким кафолат беради?

Яқинда Тошкентда республика билим юртлари ўқувчилари яратган ҳунармандчилик маҳсулотларининг кўргазмали савдоси бўлиб ўтди. Кўргазмани томоша қилиб юрарканман, юртимизнинг шунчалик қўли гул, ижодкор фарзандлари борлиги дилимни қувонтирди. Турмушнинг қора кўланкаси кўтарилиб кетгандай бўлди, назаримда. Мана шундай савобли ишларни кўпайтириш лозимлиги, болаларда бозордан кўра эртанги кун учун керак бўлган касбҳунарга қизиқиш уйғотиш зарурлигини ҳис қилдим. Ана шунда, балки содир бўлаётган жиноятларнинг олдини олган бўлармидик. Болалик ҳам ортига қайтармиди, эҳтимол...

**Матлуба АЗАМАТОВА.**

***Шу йилнинг июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида» Фармони эълон қилинган эди.***

## ЯНГИ МАРКАЗ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Фармонга кўра, бир қатор жамоат ташкилотларининг «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланиб, ушбу марказ фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармасида ана шу марказнинг таъсис мажлиси ўтказилди. Унда марказнинг таъсисчилари: республика жамоат ташкилотлари, жамғармалар, марказлар, вазирликлар, инсон ҳуқуқлари бўйича манфаатдор ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Мажлисда сўзга чиққан «Камолот» жамғармаси раиси Х. Абдураимов, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди ҳамраиси Х. Дўстмуҳаммад, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А. Саидов ва бошқалар «Ижтимоий фикр» марказини ташкил этиш зарурати, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида унинг қандай ўрин тутиши лозимлиги ҳақида гапирдилар. Жумладан, ҳокимият идоралари билан жамиятнинг ўзаро таъсири, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш муаммолари бўйича жамоатчилик фикрини, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражасини ва маданий ривожланишнинг асосий йўналишларини ўрганиш, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг услубий асосларини такомиллаштириш соҳасида тадқиқотлар олиб бориш марказнинг бирламчи вазифалари эканлиги таъкидланди. Марказ томонидан нашр этиладиган «Ўзбекистонда ижтимоий фикр» журнали ҳам айнан шу мақсадларга хизмат қилади.

Мажлисда марказнинг Низоми муҳокама этилди ва тасдиқланди. А. Саидов «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг директори этиб сайланди.

**(ЎзА).**

## ХОНАДОНДА ХАЙРЛИ КЕЧА

***Бухорои шарифнинг 2500 йиллик юбилейи арафасида вилоятда жуда кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.***

Уларда шаҳарликлар билан бир қаторда қишлоқ аҳли ҳам фаол иштирок этаётир. Яқинда Вобкент туманидаги Пермаст фуқаролар йиғинига қарашли М. Жўрабоев номли жамоа хўжалиги хотин-қизлар қўмитаси ана шу санага бағишлаб «Аёл — уй фариштаси», «Қишлоқнинг иболи келини» мавзуларида қизиқарли кеча ўтказди. Унда 80-90 ёшни қоралаган нуроний онахону отахонлар, бир-биридан сулув келинчаклар, эндигина ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёшлар, туман ҳокимлиги вакиллари иштирок этишди.

Шуниси диққатга сазоворки, кеча катта клубда эмас, маҳалланинг энг яхши оилалари ҳисобланган Бақоев ҳамда Нарзуллаевлар хонадонида бўлиб ўтди. Хонадон соҳиблари қандай қилиб яхши қайнона, обрўли қайнота, суюкли келин бўлиш мумкинлиги ҳақида ўз ҳаёт тажрибаларидан, кўрган-кечирганларидан сўзлаб бериб, ёшларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтардилар.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *ЎЗБЕК АЛИФБОСИ: ТАКЛИФ*

## ЭШМАТ БИЛАН ТОШМАТНИНГ ФАРҚИ БОР

***Ҳар қандай қонун ва қарор ижроси билан қудратли ҳамда аҳамиятлидир. Маънавият мезони ҳар бир халқнинг саводхонлик даражасига боғлиқлигига ҳам шубҳа йўқ.***

Эҳтиёж -- кишини буюк кашфиётчига айлантиради. Дарҳақиқат, ҳар қандай тушунча зарурий талаб даражасида қўйилмас экан, ўткинчи бўлиб қолаверади. Миллатнинг шаклланиш унсурларидан бири тил масаласи билан чамбарчас боғлиқ. Бироқ давлат тилига муносабатни кўнгилдагидай, деб бўлмайди. Айрим корхона ва муассасаларда қуруқ расмиятчилик нуқтаи назаридан иш юритилаётгани сир эмас.

Лотин-ўзбек ёзувида ҳар хилликлар, англашилмовчиликлар мавжудлиги бугун яққол сезилмоқда. Улар, асосан, кўча, мавзе ва даҳа номларида, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг пештоқларидаги атамаларда, турли шиор ва чақириқлар, идора қоғозлари ва иш юритиш ҳужжатлари, муҳрларнинг тайёрланишида кўзга ташланаяпти.

Саводхонлик -- ижтимоий аҳамиятга молик ўзан. Шундай экан, юқорида келтирилган ҳолатларда ўзбек тилининг имло қоидаларига хилоф иш тутилаётганини кўриб, лоқайд туриш ўринли бўлмаса керак.

Янги алифбода тўғри ўқиш ва тўғри ёзишни жорий этиш эса кўпгина тадбирларни тақозо этади.

Идора ва ташкилот номлари, расмий ҳужжатларнинг янги имлога ўтказилиши кенг миқёсда бошланди. Лекин бу масалага ҳамма жойда ҳам бир хил эътибор қаратилаётгани йўқ.

Яқинда бир йигит савдо дўконини очиб, номини «Беҳзод» деб атабди. Кўрингки, «Беҳзод» номини лотин-ўзбек ёзувида «BEXZOD» деб нотўғри равишда тайёрлаган. «Ҳе» ҳарфи ўрнига «хе»ни қўллаб, имло хатосига йўл қўйилган. Бу атама «хе» билан эмас, балки ҳаш ҳарфи билан ёзилиши керак эди. Кейин билсам, фирманинг муҳр ва тамғаси ҳам ана шундай тарзда хато тайёрланган экан. «Ҳе» ўрнига «хе» ёки, аксинча ифодаланаётган атамалар сони бугунги кунда кўплаб топилади.

Шунингдек, «Ижодкор» ва «Чиқиш» деган атама билан фирма ва масъулияти чекланган жамият номлари юқоридан тасдиқланиб юборилган. IJODKAR эмас, IJODKOR, CHIKISH эмас, CHIQISH шаклида имловий жиҳатдан тўғри ёзилиши керак эди. Худди шундай камчиликларни бошқа фирма ва жамият номларида ҳам учратиш мумкин. Хуллас, ҳар бир нарсани амалга оширишда муайян андозага эришиш зарур.

Ҳар ким атамаларни ўз хоҳишича, турлича ифодалаши қўпол хато саналади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339-қарорида Атамақўм йўл-йўриқларига асосланган ҳолда иш тутиш таъкидлаб ўтилган. Бу борада ижобий натижаларга эришиш учун жойларда саводхонлик марказлари очилиши зарур. Бу марказлар, асосан, тил ва ёзув тўғрисидаги давлат қонунларининг ижроси билан шуғулланиши фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Саводхонлик маркази ташкил этилса, ҳар хил ифодалар, мураккабликлар, англашилмовчиликларга чек қўйилади. Ана шундагина маънавиятимиз кўзгуси ҳисобланган савия ҳамда тил, ёзувимизга эътибор ва масъулият кучайган бўларди.

**Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

## МАТБУОТЧИЛАР САЙЛИ

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг Тошкент шаҳар бўлими ўтган шанба куни пойтахт журналистлари учун сайл ташкил этди. Ижодкорлар Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғига таклиф қилинди. Қувноқ ҳазил-мутойиба ва жозибали куй-қўшиқлар сайлга файз киритди. Тадбирда матбуот фидойиларидан бир гуруҳи эсдалик совғалари билан мукофотланди.

**(ЎзА).**

БУГУНГИ КУННИНГ ПЕШҚАДАМЛАРИ САФИДА БЎЛМОҚЧИМИСИЗ?

УНДА ТАНЛОВДА АДАШМАНГ!



U-TEL™ УЯЛИ ТЕЛЕФОН ТАРМОКЛАРИ

MOTOROLA ALPHA ELITE LITE

ERIKSSON 318 338 388

NOKIA 2160

УЯЛИ ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЕТАКЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

БИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛСАНГИЗ, АЛБАТТА, МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНАСИЗ!

Жаҳондаги 60 миллион киши DIGITAL/AMPS, AMPSни танлади.

Узбекистон Республикаси, 700115, Тошкент шаҳри, Гагарин кучаси, 40-уй.
Телефонлар: (3712) 126-66-00, 778-688, 777-688, 777-638 Факс (3712) 406-504

U-TEL

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;*
*Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28;*
*Эълонлар 36-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0449, 34.845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
**Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — Н. Тошев.**
**Навбатчи — Ш. Каримов.**
**Мусаҳҳиҳ —Ш. Режапов.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**
**Босишга топшириш вақти—21.00** **Босишга топширилди — 21.30** 1 2 3 4 5 6